



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2018 йил 2 март, № 42 (7000)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

## Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трампнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга йўллаган мактубига доир

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга Америка Қўшма Штатлари Президентидан жорий йил 26-27 март кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган Афғонистон бўйича халқаро конференцияга оид мактуб келди. АҚШ Президенти Ўзбекистон Президентининг Тошкентда бўлиб ўтадиган Афғонистон бўйича халқаро конференция таърифи баён этилган мактубини олганидан мамнун бўлганини қайд этди. Мактубда АҚШнинг Жанубий Осиёдаги стратегияси минтақа мамлакатларини Афғонистондаги низоини тартибга солиш ва вазиятни барқарорлаштириш учун бирдек масъулият ҳис қилишга ундаши таъкидланган. Дональд Трамп Ўзбекистон Президентининг минтақавий ёндашувга доир ташаббусини қўллаб-қувватлаши, бу эса, ўз навбатида, вазиятни тинч музокаралар йўли билан ҳал қилиш учун шароит яратиши, иқтисодиёт, жумладан, Афғонистон билан савдо алоқаларини ривожлантиришини қайд этди. Шунингдек, мактубда бундай дейилган: «Минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг катта муваффақиятлар келтирди. Ўтган

йили ноябрь ойида Самарқандда бўлиб ўтган конференция бутун Марказий Осиё бўйлаб истиқболли ҳамкорлик муҳитини яратди, декабрь ойидаги Президент Ашраф Гани билан учрашувингиз эса мустақкам ҳамкорлик ва тараққиётга замин ҳозирлаб берди. Сизнинг Афғонистон бўйича халқаро конференция ўтказишга доир ташаббусингизни тўлиқ қўллаб-қувватлайман, шундай экан, ушбу формат афғонистонликлар бошчилик қилаётган Кобул жараёни билан мувофиқлаштирилишини таъминлаш учун биз ҳамкорликда астойдил ишлашимиз зарур. Оқ уй маъмурияти Тошкентдаги конференцияда иштирок этувчи АҚШ делегацияси таркибини кўриб чиқмоқда. Самимий ва илиқ сўзларингиз, шунингдек, Афғонистондаги қўшма савдо-иқтисодий ҳамкорликни қўллаб-қувватлашга қўшаётган улкан ҳиссангиз учун миннатдорлик изҳор этишга ижозат бергайсиз. Ўзбекистон халқига саломим ва эзгу тилақларимни етказишимизни сўрайман. Яқин орада Сиз билан учрашишни интизорлик билан кутиб қоламан. Эҳтиром билан, **Дональд ТРАМП,** Америка Қўшма Штатлари Президенти»

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ТУРКМАНИСТОН ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 1 март куни Савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Туркменистон ҳукуматлараро қўшма комиссиясининг навбатдаги йиғилиши доирасида мамлакатимизга ташриф буюрган Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Байрам Аннамередовни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий кутлар экан, икки давлат ўртасидаги кўп асрлик дўстлик, яхши қўшнилик ва ўзаро манфаатли ҳамкорликка асосланган муносабатлар изчил ривожланиб, мустақамлашиб бораётганини чуқур мамнуният билан қайд этди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўтган йили март ойидаги Туркменистонга давлат ташрифи, шунингдек, икки мамлакат раҳбарларининг мунтазам мулоқотлари Ўзбекистон — Туркменистон ҳамкорлигини стратегик шериклик даражасига кўтариб, ушбу сифат жиҳатидан янги амалий мазмун билан бойитгани таъкидланди. Савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, энергетика соҳаларидаги кенг миқёсли ҳамкорлик истиқболлари, иқтисодиётнинг турли

тармоқларида кооперация алоқаларини мустақамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. 2017 йилда Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 177 миллион долларни ташкил қилди. Юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотларни ўзаро етказиб бериш кўрсаткичлари ҳам ошиб бормоқда. Туркменистон — Фароб янги автомобиль ва темир йўл кўприklarининг ишга туширилиши ҳамда юкларнинг темир йўл транзитида ўзаро чегирмалар тақдим этилиши юк ташиш ҳажми ва икки мамлакат транзит салоҳиятини оширишга хизмат қилмоқда. Чегараолди минтақалар ўртасидаги алоқалар, шунингдек, маданий-гуманитар ҳамкорлик фаоллашяпти. Давлатимиз раҳбари эришилган келишувларнинг ўз вақтида

амалга оширилишини таъминлаш, навбатдаги олий даражадаги учрашувга пухта тайёргарлик кўришининг самарали механизми сифатида Ҳукуматлараро қўшма комиссия фаолиятига юксак баҳо берди. Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга самимий қабул учун чуқур миннатдорлик билдириб, Туркменистон Президентини Гурбангули Бердимухамедовнинг саломи ва эзгу тилақларини етказди. Б. Аннамередов Туркменистон томони кенг қўламли ҳамкорликни янада ривожлантириш, икки қардош давлат ўртасидаги дўстлик ва стратегик шериклик муносабатларини мустақамлашга тайёр эканини билдирди.

Ў.А.



## Яқин қўшничилик, азалий дўстлик, эзгу мақсадлар

Ўзбекистон ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш йўлидан бормоқда. Зеро, бу Ҳаракатлар стратегиясининг бешинчи устувор йўналишига ҳам тўлиқ мос келади. Натижалар эса қувонарли. Энг аввало, ён-атрофимиздаги давлатлар билан яхши қўшничилик муносабатлари мустақамланаяпти. Турли соҳалардаги алоқалар изчил ривожланмоқда.

### ТАШҚИ СИЁСАТ

Азалдан дини, тарихи, маданияти, қадриятлари муштарак, таъбир жоиз бўлса, бозори ҳам, мазори ҳам бир одамлар бир-бирига янада яқинлашмоқда. Бу эса Марказий Осиё минтақасидаги тинчлик, хавфсизлик ҳамда қардош халқлар турмуш фаровонлигини юксалтиришда ҳал қилувчи омил бўлаётир. Бу ўринда гап қўшни давлатлар билан сарҳадлардан ўтишдаги орқича расмийчиликлар, оврагарчиликлар барҳам топаётгани хусусида. ...Сирдарё вилоятининг Тожикистон Республикаси билан чегара қисмидаги «Ховособод» чегара ва божхона назорати ўтказиш пункти. Қўламининг илк кунда байрамона безатилган ушбу масканнинг икки томонида ҳам тумонат одам йиғилди. Улар неча йиллардан буён орзу қилган кун — оға-ини,

опа-сингил, куда-анда, қон-қариндош қўшниларнинг ўзаро бир-бирига эшик очибдиқ унутилмас тантана гувоҳи бўлишди. Соғинч тўла кўзларда севинч ёши ҳалқаланади. Кимлардир қувончини миннатдорлик сўзларида акс эттирса, яна бошқалар карнай-сурнай садолари, куй-қўшиқлардан олам-олам завқ туйётганини ўйин-кулгиларида ифода қилади. Биров бор-йўғи бир ярим километр нарида яшаётган набираларини бир неча йиллардан буён кўришга интиқ бўлганини айтса, ўғил онасининг таъзиясида қатнашолмаганидан ўқинади. Ховос туманилик Али Холназаров қариндошлари Баҳром Тожиқулов ва Мамадали Тўйчиев билан оз эмас, 20 йилдан сўнг дийдорлашди.

(Давоми 2-бетда).

## Тинчлик ва барқарор тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти турли қитъада жойлашган ва турли сиёсий табиатга эга бўлган давлатлар ўртасидаги ўзаро узвий ҳамкорликни йўлга қўйишга бел боғлаган, жаҳонда тинчлик ҳамда барқарорлиқни қарор топтириш ва мустақамлашга интилаётган нуфузли халқаро ташкилот ҳисобланади.

### САНА

Бугунги кунда БМТ дунёда кечаётган муҳим сиёсий жараёнларни мувофиқлаштириш ва бошқариш, минтақавий моҳирларни бартараф этиш, табиий офатларнинг олдини олиш, камбағалликка қарши курашиш, ривожланишга қўмаклашиш каби кенг қамровли муаммоларни ҳал қилиш йўлида самарали фаолият юритиб келмоқда. Ўзбекистон БМТга 1992 йилнинг 2 мартида аъзо бўлган. Ушбу кундан бошлаб юртимиз байроғи мазкур ташкилотнинг Нью-Йоркдаги бош қароргоҳи олдида хил-пираб турибди. Айнан шу санадан эътиборан мамлакатимиз глобал ва минтақавий муаммоларнинг муҳофазасида ҳамда муҳим халқаро қарорларни қабул қилиш жараёнида бевосита қатнашиш имкониятига эга бўлди. Ўтган даврда Ўзбекистон БМТ билан ҳамкорлигининг устувор йўналишларини белгилаб олди. Ҳозирги кунда мамлакатимизнинг БМТ иқтисодий ташкилотлари билан ўзаро алоқалари тобора мустақамлашиб бораётгани диққатга сазовор. Чунончи, БМТнинг Болалар

жамғармаси — ЮНИСЕФ ҳамкорлигида болалар саломатлигини асраш, улар орасида юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш, эмлаш, мактаблар ва мактабгача таълим муассасаларида тиббий маданиятни ошириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича қўллаб-таъбирлар ўтказилмоқда. Биз учун БМТнинг фан, таълим ва маданият масалалари бўйича иختисослаштирилган ташкилоти — ЮНЕСКО билан ҳамкорлик ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Мазкур тузилма дунё мам-

лакатларида фан, таълим, маданиятни ҳар томонлама ривожлантириш орқали инсоният тараққиётига бекиёс ҳисса қўшиб келаяпти. Ўзбекистон БМТнинг илмий, ёрдамчи ва конвенциявий ташкилотлари билан ҳам инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш соҳасида яқиндан ҳамкорликни йўлга қўйган. Ушбу йўналишда мамлакатимиз 80 дан ортиқ ҳужжатлар билан бирга, олтинчи асосий битимга қўшилди. Ушбу ҳужжатлар доирасида Ўзбекистон ўзининг халқаро мажбуриятларини изчил равишда бажариб, улардаги энг муҳим нормаларнинг миллий қончилигимизга имплементация қилинишига катта аҳамият қаратаёпти.

(Давоми 2-бетда).

(Давоми 2-бетда).

## Тарбиячилар ҳам, ота-оналар ҳам хурсанд

Халқимиз азалдан устоз-мураббийларга катта ҳурмат ва эътибор билан муносабатда бўлган. Уларнинг яшаши, ёшлар тарбиясидек улуг ҳамда савобли, айни пайтда улкан масъулиятли иш билан шуғулланиши учун етарли шароит яратишга интилган. «Устоз отангдек улус», «Илмли одам — илкли суяк», «Устозсиз шогирд — жонсиз кесак» каби тилдан-тилга ўтиб келаятган ҳикматли сўзлар, мақоллар замирида ҳам таълим-тарбия соҳаси фидойиларига бўлган ана шундай эҳтиром, эъзоз мужассам.

### МУНОСАБАТ

Президентимизнинг 2018 йил 28 февралда қабул қилинган «Давлат мактабгача таълим муассасалари ходимларининг айрим тоифалари меҳнатига ҳақ тўлашни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори мазкур тизимни янада такомиллаштириш, жамиятда боғчалар педагогларининг нуфузини янада ошириш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантиришда муҳим ҳужжат бўлди. Шу боис мазкур қарорни шарафли ҳамда масъулиятли касб фидойилари катта мамнуният, хурсандчилик билан кутиб олди. Бу ҳақда улар-

дан айримларининг фикр-мулоҳазалари билан қизикдик. **Гулбахор ПАРПИЕВА,** Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги бош мутахассиси: — Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан узлуксиз таълимнинг янада такомиллаштирилаётгани нафақат маориф соҳасида, балки халқимиз ҳаётида тараққиёт сари дадил ташланаётган муҳим қадамлардан биридир.

(Давоми 4-бетда).



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ПАХТА ХОМ АШЁСИ ВА БОШОҚЛИ ДОН ЕТИШТИРИШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси пахта хом ашёси ва бошоқли дон етиштирадиган фермер хўжалиқларининг бюджет, давлат мақсадли жамғармалари, хизмат кўрсатувчи ташкилотлар олдидаги 2018 йил 1 январдаги ҳолатига қўра ҳосил бўлган қарзлари, шу жумладан, ички тармоқ қарзлари бир ой муддатда ялпи хатловдан ўтказилишини, шунингдек, уни тартибга солиш бўйича тегишли чора-тадбирлар кўрилушини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг давлат хариди ва қишлоқ хўжалигини техника билан жиҳозлашни мақсадли молиялаштириш жамғармасини Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасига (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) айлантириш ва уни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тасаруфига бериш;

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда:

- навлар ва класслар бўйича пахта хом ашёси ва бошоқли дон харидининг давлат томонидан қафолатланган нархларини тасдиқлашни;
- минерал ўғитларни биржа савдоларида сотишнинг махсус шартларини;

фермер хўжалиқлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг насос агрегатлари истеъмол қиладиган электр энергияси қийматини қоплаш учун Давлат бюджетидан субсидиялар ажратиб тартибини;

2018 йил ҳосили пахта хом ашёси ва бошоқли дон етиштириш бўйича агротехника тадбирлари ўз вақтида ўтказилишини таъминлаш учун Жамғармадан ажратиладиган кредит ресурслари ҳажмларини туманлар бўйича белгилашни; молиявий ресурслар ажратилиши ва улардан мақсадли фойдаланилиши, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун зарур бўлган ёқилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар, кимёвий ҳимоя воситалари ҳамда бошқа ресурслар ва хизматлар ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмида етказиб берилиши, тузилган шартномалар шартларига риоя этилиши, шунингдек, ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиниши ва ажратиладиган кредит ресурслари қайтарилиши юзасидан жавобгарликнинг аниқ соҳалари ҳамда назорат механизмлари белгилалишини;

Жамғарма фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирларини; биринчи навбатда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларнинг эҳтиёжларини қондиришни ҳисобга олган ҳолда, 2018 йилда минерал ўғитлар ишлаб чиқариш ва сотиш балансини тасдиқлашни назарда тутувчи Ҳукумат қарорини қабул қилиш.

6. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларга минерал ўғитлар сотувчи корхоналар учун 2019 йил 1 январгача бўлган муддатда ягона солиқ тўлови ставкаси 2 фоиз миқдорда белгилансин.

7. Тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар томонидан олиб келинадиган фосфорли ўғитлар, шунингдек, фосфорли ўғитлар ишлаб чиқариш учун олиб келинадиган фосфорит

хом ашё 2021 йил 1 январгача бўлган муддатда бошхона тўловларидан озод қилинсин, бошхона расмийлаштируви йиғимлари бундан мустафо.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бир ҳафта муддатда:

«Агробанк» АТБга давлат харидларининг назарда тутилган ҳажмларидан ортиқча бошоқли дон етиштирувчи фермер хўжалиқларига кредитлар ажратиш учун йиллик 5 фоиз ставка бўйича депозитга 150 миллиард сўм миқдорда йиллик 10 фоизгача ставка бўйича маблағлар жойлаштирилишини;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетда ва вилоятларнинг маҳаллий бюджетда паст ҳосилли ерларда пахта хом ашёси етиштирувчи фермер хўжалиқларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун зараркундандаларга қарши курашиш ҳамда фавқулодда вазиятларда ҳосилнинг сақланиши бўйича харажатларни қоплашга республика бюджетда назарда тутилган маблағлар ҳисобига 100 миллиард сўм миқдорда маблағлар шакллантирилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси (М. Икрамов) ҳар бир ҳудуд бўйича масъул ходимлар белгиланган ҳолда Жамғарма маблағлари ўз вақтида ажратилиши ва улардан мақсадли фойдаланилиши устидан тизимли назоратни таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги ва «Агробанк» АТБ бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, пахта хом ашёси ва бошоқли дон харид қилиш учун маблағлар ўз вақтида ажратилиши ва улардан мақсадли фойдаланилиши устидан реал вақт

режимида назорат қилиш имконини берадиган Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг «Агробанк» АТБнинг маълумотлар базасидан фойдаланишни таъминласинлар.

10. Чора-тадбирлар сўзсиз амалга оширилишини ва Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларни ўз вақтида молиялаштириш бўйича талабларга сўзсиз риоя қилинишини, уларга минерал ўғитлар ва ёқилғи-мойлаш материалларининг зарур ҳажмлари етказиб берилишини таъминлаш, шунингдек, уларга нархлар спекуляция тарзда ўсиб кетишига йўл қўймаслик учун Бош прокурор О. Б. Муродов, Бош вазирнинг ўринбосарлари З. Т. Мирзаев, Ж. А. Кўчқоров, А. С. Султанов, Н. С. Отажонов, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси раиси М. М. Икрамовга шахсий масъулият белгилансин.

11. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Сув хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ва бошқа вазифадор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгаришлар ва қўшимчалар юзасидан икки ҳафта муддатда тақлифлар киритсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси раиси М. М. Икрамов ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори О. Б. Муродов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2018 йил 28 февраль

Яқин кўшниччилик, азалий дўстлик, эзгу мақсадлар

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Бундай яқинлари дийдорига интизор бўлганларни тожикистонлик қардошлар орасида ҳам кўплаб учратдик. Хусусан, Дилбар Ербекова укаси Жўрабекни 10 йилдан буён кўрмаганини кўзда ёш билан баён қилади. Убайдулла Қодиров эса оралик масофа 15 километр атрофида бўлса-да, 10 йилдан ошидики, ўғиллари Зойиржон ва Тойиржонни бағрига босишга зор эканлигини айтади...

манган туманидаги Қирғизқўрғон қишлоғига келин бўлиб тушганига элик йил бўлапти. — Ота юртимдаги бирор қариндошимиз тўй хабарини берса, йўл азобидан ваҳимага тушардим, — дейди у. — Орадаги масофа бир нави, аммо чегарадан ўтишдаги овозагарчиликлар юракни зада қилиб юборарди. Хайрият, бундай кунлар ортда қолди. Андижон вилоятидаги «Маданият» чегара маскани қайта фаолиятини бошлаганидан сўнг йўллар очилиб кетди. Энди Тошқумир шаҳрида-

бор куч-гайратини аямаётган Президентимизга раҳмат!

Хоразм вилояти — Туркманистон Республикаси билан чегарадош. Хозир бу ерда яшовчилар кўшини давлатда истиқомат қилаётган қариндошлари ҳолидан ҳеч бир қийинчиликсиз хабар олиб турибди.

— Асли Туркманистоннинг Тошқувуз вилоятиданман, — дейди Урганч шаҳрида яшовчи уй бекаси Ҳасанжон Қобулова. — Оилам билан Хоразм вилоятида истиқомат қиламиз. Бундан уч йил аввал онам вафот этди. Жаноза маросими ўтказилаётган ота уйим чегарадаги бошхона масканидан атиги 15 километр узоқликда эди. Шошилинч йўлга отландик. Аммо виза муаммоси сабаб маросимга етиб бора олмадик. Охири бор онажонимнинг дийдорини кўриш, уни сўнгги йўлга қузатиш армон бўлиб қолди. Туркманистондан қариндошларимиз жўнатган қақирув телеграммаси орқали уч кундан сўнг виза олишга эришдик. Аммо бу муддат мен учун у асрдан ҳам узоқ туюлиб, не ҳолга тушганимни тасаввур қилиб қўринг. Оиламиз хилхонаси кўшни давлат ҳудудида жойлашган. Ҳайит айёмларида отаболаримиз ҳоқи кўним топанга қабристонга бориб зиёрат қилишга ҳар доим ҳам имконият бўлавермасди. Турли расмиятчиликлар сабаб кўшни Туркманистондаги қариндош-уруғларимиз билан борди-келди деярли узилиб қолганди.

Яқинда Тожикистон, Қирғизистон, Қозғистон давлатлари



сўзларини эшитиш мумкин. Бир неча йил давомида гўёки хувиллаб қолгандек кўринган бу маскан яна гавжумлашиб кетди.

Матчоқлик Аҳлиддин Хотамов саҳарлаб чегара ва бошхона ўтиш жойидан ҳеч қандай расмиятчилик ҳамда тўсиқларсиз Ўзбекистонга кириб келди. Кун чошгоҳдан оғмай яна ўз юрти — Тожикистонга қайтди.

— Қувончимнинг икки сабаби бор, — дейди у. — Аввало, чегарадан ўтиш жараёни содда-лаштирилганидан мамнунман. Энди биз учун виза керак бўлмади қолди. Қолаверса, бир ёшли қизим Саёхатнинг бетоблиги сабаби уни юртингиздаги малакали шифокорларга кўрсатдик. Мутахассислар аниқ тахшиш қўйиб, муолажаларни белгилаб беришди. Энг муҳими, хавотир олишга ўрин йўқ экан. Буларнинг барчаси учун раҳмат.

Чегара постининг очилиш маросимида сўзга чиққан давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари халқларимиз ўртасидаги азалий дўстлик ришталари янада мустаҳкамланиб бораётганлигини алоҳида таъкидладилар. Бу билан ери-ериға туташ, қалби-қалбиға ҳамоҳанг икки халқ вакилларига жуда катта қулайликлар яратилди.

Шунингдек, Бекобод туманидаги «Ойбек» чегара ва бошхона назорати ўтказиш жойида яратилган имкониятлар ҳам таҳсинга лойиқ. Бу ерда икки давлат чегаралари ўртасидаги ҳолис ҳудуд ободонлаштирилди. Постнинг кечаю кундуз ишлаши эътиборга олиниб, ўтиш йўллари ёритилди. Кутиш залларида йўловчиларнинг вақтини мазмунли ўтказиш чоралари кўрилди. Тиббий хизмат пункти очилиб, «Тез тиббий ёрдам» автомашинасининг навбатчилиги йўлга қўйилди.

Самарқанд вилояти ва Тожикистон Республикасининг Сўғд вилояти ўртасидаги «Жартепа» ва «Саразм» ўтказиш пунктлари очилиши муносабати билан ташкил этилган тантанали маросимда Самарқанд ҳамда Сўғд вилояти ҳокимликлари раҳбарлари, фаоллар, кенг жамоатчилик вакиллари ва чегара ҳудудида яшовчи аҳоли қатнашди.

Икки давлат ўртасидаги чегара — «Саразм»дан «Жартепа» ўтказиш масканига тожикистонлик меҳмонлар қарнай-сурнай садо-лари остида, мезбонларнинг оқ-қиллари билан кириб келди.

Ўзбек ва тожик халқлари адабиёти ҳамда маданиятининг рамзи сифатида концерт дастури намойиш этилди. Икки халқ ижодкорлари сўзи билан айтилувчи қўшиқлар ижро қилинди.

— Сўғд вилоятининг Панжакент шаҳрида туғилиб, вояга етганман, — дейди Хосият Суярова нигоҳини олисларга қараб. — Бундан ўттиз саккиз йил аввал Тайлоқ туманининг Галаботир маҳалласига келин бўлиб тушгандим. Отам, кўпчилик қариндошларим билан кўришмаганимизга эса 12 йилдан ошди. Яшаш жойларимиз орасидаги масофа бор-йўғи 30 — 35 километр. Аммо уларни бориб кўришим учун камида 400 қақирим йўлдан айланиб ўтишимга тўғри келарди. Шу сабабли йиллаб ота-онам, ака-укаларим билан дийдорлашолмасдик. Бугун ҳаётимда энг қувончли воқеалардан бири бўлди. Чегара постини очганларга минг раҳмат! Баҳорнинг биринчи кунининг ҳаётимга ҳам ўзгача ийликли олиб кирди.

Тожикистонлик меҳмонлар маскан ҳудудида юртимизда ишлаб чиқарилган автомобиль ва юк машиналари, автобуслар ҳамда бошқа маҳсулотлар кўргазмаси билан танишди.

Шундан сўнг Самарқанд вилояти ҳокимлиги ва жамоатчилик вакиллари «Саразм» масканига ташриф бурди. Сўғд вилояти ҳокимлиги ва фаоллар меҳмонларга юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатди. Тожик миллий хунармандчилик маҳсулотлари кўргазмаси ўтказилди.

Кун давомида минглаб ўзбекистонлик ва тожикистонликлар яратилган имконият ҳамда қулайликлардан баҳраманд бўлиб, дийдор кўришди. Бир-бирлариникига меҳмондорчиликка йўл олдилар.

Кеча Ўзбекистон — Тожикистон давлат чегараси орқали 9 та ўтиш пункти тантанали равишда очилди. Бу қардош халқлар ҳаётида муҳим воқеали сифатида тарихга муҳрланиши шубҳасиз.

Минг йиллардан бери ахил-иноқ яшаб келган Марказий Осиё халқлари муносабатлар яна ийлик-лашганидан кўнгиллари чоғ. Айниқса, йиллаб кўрмаган жигарларини кўриб, бағирларни бутун бўлган инсонларнинг меҳр-мухаббатга йўғрилган дил изҳорлари нақадар самимийдир.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

Президент совфаси ёшларга қувонч бағишлади

Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Сирдарё вилояти кенгаши тадбири бу гал янада шуқули кечди.

РАҒБАТ

— Вилоятимиздаги турман ва шаҳар кенгашилари раисларига Президент совфаси — «Spark» ҳамда «Damas» хизмат автомашиналари, ёш сардорларга сардорлик нишон тантанали равишда топширилди, — дейди Ёшлар иттифоқи Гулистон шаҳар кенгаши раиси Бекзод Алмаматов. —

Бундай эътибор ва ғамхўрлик биз, навқирон авлод вакилларида юртимиз раванки йўлида янада фидойи бўлишга ундайди.

Тадбирда Сирдарё вилояти ҳокими Ф. Мирзаев сўзга чиқди.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Тинчлик ва барқарор тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Шу ўринда БМТнинг 2015 йилда 193 давлат вакиллари иштирок этган олий даражадаги Саммитида эълон қилинган Барқарор тараққиёт мақсадларига алоҳида тўхталиш мақсада мувофиқ, Таъкидлаш жоизки, республикамизда Барқарор тараққиёт мақсадларига эришишда бир қатор устуқлар қўлга киритилмоқда. Хусусан, тавлим сифатини кучайтириш, хотин-қизларнинг жамиятдаги роли ва фаоллигини ошириш, болалар ўлиминини камайтириш, оналар соғлигини яхшилаш, турли юқумли ҳамда хавфли касалликларнинг олдини олиш, экологик барқарорлиқни таъминлаш борасида ижобий натижаларга эришилапти. Кейинги ўн йил давомида Ўзбекистон йиллик Давлат бюджети харажатларининг салкам 60 фоизи ижтимоий соҳа эҳтиёжлари учун сарфланаётгани эса алоҳида эътиборга моликдир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси устувор йўналиши бўйича Харажатлар стратегияси давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантириш, хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ҳамда диний баргиреклик муҳитини таъминлашга қаратилган БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига тўла ҳамоҳангдир. Унда белгилана берилган устувор вазифаларнинг изчил ижроси бизни олдимизга қўйган улуг мақсад — буюк кўлажа сари янада яқинлаштиради.

Айтиш мумкинки, давлатимиз раҳбарининг 2017 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи Ўзбекистон — БМТ муносабатларининг янги босқичини бошлаб берди. Дунё жамоатчилиги диққатини торган ушбу маърузада Президентимиз, энг аввало, мамлакатимизда мустақиллик йилларида барча соҳада қучур

ислохотлар амалга оширилгани, Ўзбекистоннинг янги қиёфасини шакллантириш йўлида изчил саъй-ҳаракатлар рўйга чиқарилаётганини алоҳида таъкидлади. Шу билан бирга, халқаро аҳамиятга эга бўлган бир қатор долзарб вазифаларга эътибор қаратди. Айниқса, ёшлар масалаларига алоҳида ургу бериб, глобализм ва ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланиб бораётган бугунги шароитда ёшларга оид сўзсиз шакллантириш ва амалга оширишга қаратилган умумлаштирилган халқаро ҳуқуқий ҳужжат — БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқиш ташаббусини йлгари сурди. Давлатимиз раҳбари билдирган тақлифлар халқаро жамоатчилик томонидан катта қизиқиш билан қабул қилинди. Ушбу тарихий аҳамиятга эга нутқ бугунги кунда минтақа давлатлари, қолаверса, дунё ахлини ташвишга солаётган турли глобал муаммолар ва уларнинг олдини олиш чора-тадбирларига бағишлангани билан ҳам муҳимдир.

Бундан ташқари, мамлакатимиз раҳбарининг қўшини Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш ҳамда Ўзбекистон ҳеч қандай блокка қўшилмаслик мақомини сақлаб қолган ҳолда, очик мулоқотга тайёр эканлиги борасида билдирган қатъий позицияси жаҳон ҳамжамияти томонидан ижобий баҳоладан ва қўллаб-қувватланди.

Умуман олганда, ўтган даврда Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг фаол аъзоларидан бирига айланди, десак, асло янглишмаймиз. Зеро, 26 йилдирки, мамлакатимиз ушбу халқаро ташкилот билан узвий ҳамкорлик қилиб, дунёда ва минтақада тинчлик ҳамда барқарорлиқни таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Бу борадаги эзгу саъй-ҳаракатларимиз, дадил ташаббусларимиз изчил давом этади.

Қодир ЖўРАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси аъзоси.

— Ахир эт билан тирноқни ажратиб бўладими?! — дейди Ховос туманининг Карвонсарой маҳалласида яшовчи фахрий ўқитувчи Баҳром Эшназаров. — Ўзбек ва тожик халқлари ўртасидаги минг йиллар давомида синалган яқинлиқни ана шундай қиёсласак, муболага бўлмайди. Чанқоқни сув қондилади, дўстлар соғинчини эса дийдорлашув. Мана, не бахти, ана шундай имкониятга эга бўлаёلمиз. Боболаримиз Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоийнинг икки халқ учун ибрат намунаси бўлган дўстлигини амалда яна намойён қилаёلمиз. Ишончимиз комилки, икки мамлакат Президентларининг қатъий саъй-ҳаракатлари билан яна тикланган бу борди-келди алоқалари абадиятга дахлдор бўлиб қолади.

Бухорода ҳам худди шундай байрамона шуқу ҳукмрон.

— Бундан йигирма бир йил олдин уйланганим, — дейди Олот туманилик Зоҳид Файзиев. — Уша кун ҳалиям ёдимда. Қариндош-уруғлар, дўст-бирдорлар тўпланишган, қувончимизга шерик бўлишган. Менга эса нимадир етишмаётгандек эди. Давра тўрида ўтирибман-у кўзим йўлда. «Қаниди, Дилноза синглим кириб келса, бўйнимдан қучиб, «Акажон, бахтли бўлинг» дея тилақлар билдирса, дейман. Аммо Туркманистоннинг Лебаб вилоятига келин бўлиб тушган синглим ўша кунни тўйимга қола олмади. Бу унчиг ҳам, менинг ҳам кўнглимда армон бўлиб қолди. Онамнинг сингиллари? — Фотима холамин айтмайсизми? У киши билан кўришганимизга ҳам салкам 10 йил бўлди. Нарй бора, 60 километр олисдаги қариндошларинг билан эмин-эркин дийдорлаша олмаган, оғир ботаркан, кишига.

Шукр, юртимиз ўзгаришлар сари юз бурди. Яхши кўшниччилик алоқалари мустаҳкамланапти. Бир дарёдан сув ичган икки халққа дўстона муносабатлар ярашади-да. Узимга келсак, эртанги кундан кўнглим тўқ. Агар фарзандларимнинг тўйини ўтказсам, қўшни юрда яшовчи қариндошларни ҳам тақлиф қиламан. Тўйга, албатта, синглим ҳам келади.

Хидоят Юнусова Қирғизистоннинг Жалолобод вилоятидан На-



Алишер ИСОИЛОВ, Дуракот ТУЛМАТОВ (ўса) олган суратлар.

ги яқинларимиз хонадонига узоғи билан икки соатда кириб бораёلمиз. Ортиқча ҳужжат талаб қилиш ёки текширувлар йўқ. Уғлим Аҳмаджоннинг «Нексия»сига новаралар билан ўтирамыз-у, худди қўшни вилоятга сафар қилгандай Қирғизистонга йўл оламиз.

Қишлоғимизда Қирғизистондан келиб қолган эликдан ортиқ оилалар истиқомат қиладди. Масалан, Ҳакима Ҳасанова асли Новқатдан, Исоқжон Назаровнинг турмуш ўртоғи Мамлакат — бишкеклик. Чегаралар очилиши билан ҳаммамнинг орауси рўйга чиқди. Буларнинг барчаси учун одамларни рози қилиш йўлида

билан чегараларда янги бошхона масканлари очилиб, чегарадан ўтишдаги ортиқча овозагарчиликлар барҳам топди. Туркманистон билан ҳам яқин қўшниччилик, дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари ривож топаётганидан, ҳар икки давлат раҳбарлари учрашувидан кейин борди-келди учун эшиклар очилаётганлигидан бошимиз кўкка етди.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бошхона қўмитасининг Тошкент вилояти Бекобод шаҳридаги «Бекобод» чегара ва бошхона назорати ўтказиш жойида мамлакатимизга қўшни Тожикистондан келиб-кетётганлардан ҳам ана шундай дил

# РЕСПУБЛИКА «МАҲАЛЛА» ХАЙРИЯ ЖАМОАТ ФОНДИ ВА «НУРОНИЙ» ЖАМҒАРМАСИ ФАОЛЛАРИНИНГ МУРОЖААТИ

# Тўй ва маросимлар шахсий иш эмас

**Хурматли юртдошлар! Мухтарам отахон ва онахонлар!**

**Қадрли ёшлар!** Мамлакатимизда инсон манфаатлари ва турмуш фаровонлигини таъминлаш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилаш, ёш оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш йўлида катта ишлар амалга оширилмоқда.

Бу борада халқимизнинг эзгу қадриятларини ўзида мужассам этган, одамларимизни бирлаштириш, улар ўртасида ўзаро аҳиллик ва меҳр-мурувват туйғуларини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган тўй ва маросимлар муҳим ўрин тутди. Шу маънода, бундай тадбирлар эл-юртимизнинг маданияти, маънавий савияси даражасини яққол кўрсатувчи омиллардан бири, десак, янгиликмаймиз.

Афсуски, кейинги пайларда тўйлар, оилавий тантаналар, марҳумлар хотирасига бағишланган тадбирларни ўтказишда шухратпарастлик, ўзини кўз-кўз қилиш, атрофда яшаётган одамларнинг ҳолатини инобатга олмаслик, халқимизнинг урф-одатлари ва аъёнларини менсимаслик каби салбий иллатлар кўзга ташланмоқда.

Ушбу долзарб масала неча ўн йиллардан бери халқимизнинг ўткир муаммоларидан бири бўлиб келмоқда. ХХ аср бошида жадид боболаримиз тўй-маъракаларимиздаги исрофгарчилик ва дабдабаозликнинг миллатимизни маънавий таназзул ва қашшоқликка етаклайдиган иллат экани ҳақида қуёниб ёзганларни эслайлик. Улуғ маърифатпарвар бобоим Маҳмудхўжа Бехбудий **миллатимиз тараққиётига тўғнақ бўладиган икки нарса бор: бу — тўй ва азадир**, деб айти ҳақиқатини ёзган эди.

Афсуски, йиллар ўтса-да, замон ўзгариб бораётгани ҳамма-да, миллий тараққиётимизга катта тўсиқ ва ғов бўлиб келаётган бу иллатга барҳам бериш, тўй-маъракаларни их-

чам, замонавий кўринишда ўтказиш ўрнига, тўйдан олдин ва кейин бўладиган кераклик-кераксиз тадбирларни ўйлаб топиш, дабдабаозлик қилиб, ҳаддан зиёд исрофгарчиликка йўл қўйиш ҳолатлари тобора кучайиб бормоқда.

Пул топиб, ақл топмаган, маънавий савияси паст айрим кимсалар, айниқса, оёғи ердан узилган баъзи мансабдорлар бу борада ахлоқ-одоб мезонларини унутиб, ўзларининг жамиятдаги маъқеини, бойлигини кўрсатиб қўйиш каби худбин мақсадларни кўзламоқда.

Энг ёмони, бундай ҳолатлар ёшларимиз тарбиясига салбий таъсир кўрсатмоқда. Уларда ҳалол меҳнатга нисбатан бепасанд муносабат ва енгиллик ҳаёт кечириб, манманликка интилишни кучайишига сабаб бўлмоқда.

Тўй-ҳашамлар билан боғлиқ ортиқча сарф-харajatлар минглаб оилаларнинг моддий аҳоли ёмонлашувига, уларнинг қарз ва ғам-ташвиш ботқоғига ботишига, энг ҳавфлиси, жамиятимизда қарор топган маънавий муҳитни бузишга олиб келмоқда.

Бундай ноҳус ҳолатлар жамоатчиликнинг ҳақли эътирозини уйғотмоқда, оммавий ахборот воситаларида, маҳалла-кўй, аҳоли ўртасида кенг муҳокама қилинмоқда. Лекин кўрилатган чора-тадбирларга қарамадан, афсуски, бу борада жиддий ўзгаришлар кўзга ташланмапти.

**Мухтарам отахон ва онахонлар!**

**Қадрли ватандошлар!** Тўй ва маросимлар шахсий иш эмас, мамлакат ва миллат тақдирига дахлдор ижтимоий аҳамиятга эга масаладир. Халқимизнинг миллий табиатига мутлақо ярашмайдиган, оилаларнинг моддий аҳолини оғирлаштирадиган, уларнинг турмушини издан чиқарадиган бундай беаъни ҳолатларга барҳам беришни бугун ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда.

Шу муносабат билан биз юртимиз аҳолисига, кенг жамоатчилик, хурматли зиёлиларимиз, азиз фарзандларимиз,

мутасадди раҳбарларимизга мурожаат қиламиз: ҳар биримиз ўз худудимизда тўй ва маъракалар, оилавий маросим ва бошқа тадбирларнинг ўтказилиши юзасидан жамоатчилик назоратини ўрнатилган фаол иштирок этайлик. Бу борада тарғибот ва тушунтириш ишлари самарадорлиги ва таъсирчанлигини янада кучайтирайлик.

Куръони каримда: **“Енгар, ичингар, лекин исрофгарчиликка йўл қўймангар. Зеро, Аллоҳ таоло исроф қилувчиларни севмайгай”**, деб буюрилган. Бир кунлик тўй деб бутун умр йўққан-терган маблағини совириш, бандасига ато этилган ноз-неъматни исроф қилиш катта гуноҳ эканини эсдан чиқармайлик. Сохта оёғи орттиришга қаратилган бундай ишлар ўрнига бевабоналарга, ночор инсонлар, муҳтож оилаларга ёрдам берайлик. Хайрли ва савобли ишга қўл урган, етим-есирнинг бошини силган одам бир умр савоб олишини, ҳалқ ичида доим хурмат ва эъзозда бўлишини маҳалладошларимизга, аёлларимиз ва болаларимизга тушунтирайлик.

Ҳар бир маҳаллада кўпни кўрган, кайвони отахон ва онахонлар бош бўлиб, тўйларни ихчам, камчиқим, замонавий қилиб ўтказиш бўйича меъёр ва мезонларни ишлаб чиқайлик ва улarga қатъий амал қилайлик.

Яна бир масала — оилавий тадбирларда санъаткорлар қонун ҳужжатларига мувофиқ шартнома асосида хизмат кўрсатса ва шу тартибга қатъий риоя қилинса, уларнинг масъулияти янада ошадди, миллий урф-одатларимиз ва маънавийташимизга мутлақо тўғри келмайдиган қуй-қўшиқлар, ракс ва бошқа қишларнинг олди олинди. Айни пайтда кўчалар, майдонлар ва бошқа жамоат жойларига турли замонавий техник усуналар, жумладан, овоз қучайтирувчи воситалардан фойдаланиш атрофдаги инсонларнинг ҳаловатини бузаётганига ҳам бефарқ бўлмайлик.

Бундай тадбирларни ўтказишда ҳаддидан ошган кимсаларни — уларнинг маъқеи ва лавозимидан қатъи назар — маҳалла фуқаролар йиғинига тақлиф этиб, оёғи-эътиборли кишилар, имом-хатиблар, кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиб, маслаҳат бериб, тўғри йўлга солайлик.

Ҳар бир ишда, жумладан, урф-одатларга амал қилишда ҳам меъёр ва тартиб ҳал қилувчи омил эканини унутмайлик. Ҳаётимизда осойишталик ҳукмрон экан, оилаларимизда, юртимизда тинчлик, хотиржамлик ва фаровонлик барқарор бўлади.

**Қадрли опа-сингиллар!** Бугунги кунда мамлакатимизда хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракати, юқори технологияларга асосланган замонавий тармоқлар, илм-фан, тиббиёт, таълим-тарбия, маданият ва санъат каби муҳим соҳа ва тармоқлар ривожини сизларнинг иштирокингиз тасаввур этиш қийин. Сизлар ҳонадонларимизда, маҳаллаларимиз, бутун юртимизда ўзаро хурмат ва ҳамжихатлик, меҳр-оқибат муҳитини яратишда доимо фаол бўлиб келмоқдасиз.

Шундай экан, ижтимоий ҳаётимиздаги нуфузингиз ва маъқеингиздан фойдаланиб, тўй ва турли маросим ўтказишга оилаларга кириб, сарпо, буюм йиғишга ружу қўйиш, ортиқча орзу-хавасга берилиш нафақат оила бюджетига, балки ёш оилалар маънавиятининг негизига ҳам жиддий путур етказишини ҳаётий аниқ мисоллар орқали тушунтириб беришигиз лозим.

Бу масалада кўп нарса сиз — аёлларга боғлиқ эканини унутманг.

**Азиз ўғил-қизлар!**

Сизларнинг ёрқин истиқболингиз учун давлатимиз, оналарингиз барча шароитларни яратмоқда. Уқиб-ўрганаман, замонавий касбларни эгаллашман, деган мақсад билан яшаётган тенгдошларингиз катта марраларни забт этмоқда. Энг сўнгги техника ва технологияларни бошқармоқда, ривожланган

мамлакатларнинг илғор ёшлари билан барча соҳаларда тенгма-тенг беллашмоқда.

Шиддат билан тез ўзгариб бораётган бугунги глобаллашув замонидан сизларнинг асосий вазифангиз — замонавий илм-фан ютуқларини, ахборот-коммуникация технологиялари сирларини, чет тилларни пухта эгаллаш, мамлакатимизни ҳар томонлама раванқ топтиришга ҳисса қўшишдан иборатдир. Бугунги дунё тараққиётдан яхши хабардор бўлган XXI аср ёшлари сифатида сизлар миллатимиз шаънида доғ туширадиган бундай салбий иллатларга қарши курашда ташаббус ва фаоллик кўрсатасиз, деб ишонамиз.

Албатта, ҳар бир ота-онанинг энг катта ҳўзу-нияти жондан азиз фарзандининг бахту иқболини кўришидир. Лекин бунга фақат дабдабали тўй қилиш, моддий бойлик тўплаш билан эришиб бўлмаслигини сизлар яхши биласиз. Бунга ҳаётда қўллаб мисоллар келтириш мумкин.

Авалло, ўзингизнинг, қолаверса, миллатимизнинг шаънини, ота-оналарингиз саломатлигини, бўлгуси оилангиз бахтини ўйлаб, тўйларимизни камтарона, ихчам қилиб ўтказишга ташаббусор бўлинг!

**Азиз ватандошлар!**

Тўй-маъракалар миллатимизнинг азалий қадриятлари ва аъёнларини намоён этадиган кўзгу экан, уларни юксак маънавий мезонларга муносиб тарзда ўтказайлик. Бу эзгу ишга ҳамма бирдек бош қўйиши лозим, ҳеч ким ўзини четга олиши, менга бунинг дахли йўқ, деб лоқайд бўлиши мумкин эмас. Зеро, не-не машаққатларни, оғир кунларни бир жону бир тан бўлиб мардларча энгиб ўтган донишманд халқимиз одоб-ахлоқ мезонларига ҳам, муқаддас динимиз талабларига ҳам тўғри келмайдиган бундай иллатларга барҳам беришга қодир, деб ишонамиз.

Биз юртимиз жамоатчилигини шу йўлда ҳамфикр ва ҳамжихат бўлишга, ушбу долзарб масала муҳокамасида тақлиф ва тавсиялар билан фаол иштирок этишга чақирамиз.

## балки миллат ва мамлакат тақдирига дахлдор ижтимоий масаладир

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши ва “Нуроний” жамғармаси фаолларининг тўйлар, оилавий тантаналар ва бошқа маросимларни ортиқча сарф-харажатсиз ва дабдабасиз ўтказиш бўйича халқимизга мурожаати қабул қилинди.

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда қайд этилдики, халқимиз эзгу қадриятларини ўзида мужассам этган, одамларни бирлаштириш, улар ўртасида ўзаро аҳиллик ва меҳр-мурувват туйғуларини мустаҳкамлашда тўй ва бошқа маросимлар алоҳида ўрин тутди. Аммо кейинги пайларда уларни ўтказишда шухратпарастлик, ўзини кўз-кўз қилиш, атрофдаги одамларнинг имкониятини ҳисобга олмаслик, асрий урф-одатларимиз ва аъёнларимизни менсимаслик сингари салбий иллатлар кўзга яққол ташланмоқда. Уларни ихчамлаштириш ўрнига, кераксиз тадбирлар ўйлаб топилаётгани, айниқса, ташвишлидир. Энг ёмони, бундай ҳатти-ҳаракатлар ёшларимиз тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётди. Яъни уларда ҳалол меҳнатга бепасанд муносабат, енгиллик ҳаёт кечириб ва манманликка берилиш ҳолатлари кучайишига сабаб бўлапти. Буларнинг барчаси пировардида жамият ҳаётида маънавий муҳит бузилишига олиб келмоқдаки, бу ҳар қандай тараққиётпарвар инсонни ўйлантириши, шубҳасиз.

— Маҳаллалар ҳудудидан 6 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади, — дейди Чилонзор туманидаги “Чилонзор” маҳалла фуқаролар йиғини раиси О. Муталов. — Тўй-маъракаларни улар билан бамаънавий ўтказамиз. Аммо беш қўл баробар эмас. Унда

бунда маслаҳатимизга юрмайдиганлар ҳам чиқиб қолади. Шу маънода, мазкур мурожаат айти мудоа бўлди. Зеро, тўй ҳамда бошқа маросимлар шахсий иш эмас, балки миллат ва мамлакат тақдирига дахлдор ижтимоий масаладир. Шундай экан, миллий табиатимизга мутлақо тўғри келмайдиган, оилалар моддий аҳолини оғирлаштирадиган бундай иллатга барҳам бериш керак. Зеро, тўй ва бошқа маросимлар ким ўзарга эмас-ку.

Иштирокчилар аҳолига, жумладан, зиёлилар, мутасаддида мурожаат қилиб, ҳудудларда тўй ва маъракалар, оилавий маросимлар бўйича таъсирчан жамоатчилик назорати ўрнатиш кераклигига ургу беришди. Айни чоғда бир кунлик тўй, деб бутун умр йўққан маблағни елга совириш, озиқ-овқат ва бошқа ноз-неъматни исроф қилмасдан бева-бечоралар, ночор инсонлар ва эҳтиёжманд оилаларга ёрдам бериш зарурлиги қайд этилди.

Анжуманда маҳаллаларда нуронийлар бошчилигида тўйларни ихчам ва оддий ўтказиш бўйича аниқ мезонларни ишлаб чиқиш ҳамда улarga амал қилиш юзасидан ҳудудий, туман ва шаҳар кенгашларига тавсиялар берилиди. Бундай маросимларни ўтказиш меъёрларини бузган шахсларни фуқаролар йиғинига тақлиф этиб, кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш кераклиги ҳам айтилди.

Шунингдек, тадбирда бу эзгу ишга барча бирдек бош қўйиши, ҳеч ким ўзини четга олмаслиги учун давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигини бугунги кун талаби даражасида ташкил этиш зарурат эканлиги билдирилиб, шулар юзасидан тегишли кўрсатмалар берилди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**  
“Халқ сўзи” мухбири.

# Янгийўлиқларни нималар ўйланмоқда?

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари Тошкент вилоятининг Янгийўл тумани ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўзгаришлар, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишдилар.**

## МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДА

Ушбу ўрганиш натижалари халқ депутатлари Янгийўл тумани Кенгаши сессиясида танқидий-таҳлилий қўриб чиқилди. Унда халқ вакиллари, қатор давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, нодавлат ташкилотлар, тадбиркорлик субъектлари, фуқаролар йиғинлари масъул ходимлари, жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Ҳудудда ўн кун давомида олиб борилган ўрганишлар, аҳоли билан очиқ мулоқотлар шуни кўрсатдики, янгийўлиқлар давлатимиз раҳбари томонидан барча жаҳада олиб борилаётган жадал суръатдаги тўб ислохотларни манмуният билан қўллаб-қувватлашмоқда. Айниқса, Президентимизнинг “Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир ус-тувор чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида секторлар фаолиятининг йўлга қўйилгани жойларда тўпла-наб қолган, одамларни қийнаётган қўллаб-қувватлашмоқда давлат идораларини мансабдор шахсларнинг халқ олдидаги жавобгарлик ва масъулияти орттиришда муҳим ўрин тутаяётгани намоён бўлди. Бирок бу бугунги кун талаби нуқтаи назардан етарли эмас. Таҳлиллар ҳамда на-тижаларга қўра, Янгийўл

тажсил олмақда. Мактабларда информатика, математика, физика, инглиз тили, кимё, рус тили фанлари ўқитувчиларига эҳтиёж бор. Туманда 10 та давлат мактабига таълим муассасаси фаолият кўриб, уларда мактабгача ёшдаги 13 минг 460 нафар боладан 1938 нафар қамраб олинган. Қисқа муддатли гуруҳларга қамраб олинган болалар 14,5 фоизни ташкил этади. 52 та маҳалла фуқаролар йиғинида мактабгача таълим муассасаси умуман йўқ.

Янгийўлда ўтган йил давомида жиноятчилик 8,9 фоиз камайди. Лекин оғир жиноятлар, ўғирлик, фирибгарлик, босқинчилик, товламачилик каби ҳолатлар сезиларли даражада қўпайган. Маҳалла фуқаролар йиғинларининг 60 тасида ёки 98,8 фоизидан жиноятлар содир қилинишига йўл қўйилган. 34 тасида эса жиноятлар сони 2016 йилдагига нисбатан ошган.

Мана шу далил ва рақамларнинг ўзидек секторлар фаолиятидаги бўлиқлардан далолат беради.

Сессияда доимий комиссиялар фаолияти ҳам талабга жавоб бермаслиги, маҳаллий Кенгаш депутатларининг мурожаатлар билан ишлашда “депутатлик сурови” амалиётинан суст даражада фойдаланилгани қайд этилди.

Муҳокамалар асосида депутат ҳамда сенаторлар худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш юзасидан тақлифларини билдириди. Яқинда тегишли қарор қабул қилинди.

Муҳокама қилинган ҳолда, камчиликларга алоҳида эътибор қаратилди. Масалан, худуддаги 55 та умумий ўрта таълим мактабининг қуввати 21 минг 253 ўқувчига мўлжалланган бўлиб, амалда 28 минг 253 нафар ўқувчи

Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ,  
“Халқ сўзи” мухбири.

# Ислохотлар шиддати

Бу бунёдкорлик ва янгилашларга омил бўлмоқда.

**2017 йилнинг энг муҳим ҳулосаси нима бўлди? Ҳаётдаги ўзгаришларни тарозига солиб баҳоласак, халқимиз ва амалдорлар ўртасидаги алоқа худаям узилиб кетган экан. Бугун давр талабини ҳис қилган масъул шахс идоранда “мебель қўриқлаб ўтирмадан”, халқ ичига бориши, одамларнинг ҳаётий эҳтиёжларини ўзлари дилдан англашлари керак. Буни тушунаган амалдор билиб ишини қилапти, тушуниб етмаганлар раҳбарият томонидан ўз баҳосини олапти.**

## НИГОҲ

Албатта, мулоқот бу номига одамлар билан учрашиш, қоғоз тўлдириб ҳисобот ёзиш билан мақсадга эришиб бўлмайди. Ваҳоланки, мулоқот самимий бўлса, табиий равишда томонлар фикр алмашиса, ҳар қандай ҳолатда ҳам одамларни рози қилса, қўзланган натижага эришиш мумкин.

## РАҚАМЛАР ШАРҲИ

**2017 йилда мамлакатимиз бўйича ЯИМ 249 триллион 136,4 миллиард сўмни ташкил этди. Ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми ўсиши бўйича Тошкент шаҳри (108,0%), Андижон вилояти (106,7%) ва Қорақалпоғистон Республикаси (105,7%) яхши натижаларга эришишди. Сирдарё вилоятида ялпи ҳудудий маҳсулот (97,7%) ўтган йилдагидан камайиб кетди.**

Юртбошимизнинг парламентга, у орқали бутун Ўзбекистонга Мурожаатномасида халқ ишларини яхши йўлга қўйиш учун камчиликларимиз анча-мунча эканлиги аён бўлди. Ҳамма соҳада ишни янги саҳифада бошлаш, биринчи ўринда, давр қўйётган талабларни мезон сифатида белгилаш муҳим. Агар ўтган маълум муддат ҳар бир масъул шахс учун синов бўлса, улардан имтиҳон олуви ва баҳо қўюви халқ экан. Халқ олдида синовдан ўтиш осон эмас. Чунки ҳар бир амалдор солиқ

тўловчилар олдида ҳаммиса қарздордир. Афсуски, бугунги кунда ҳам айрим идораларнинг раҳбар ва ходимлари ўзлари ишлаётган соҳанинг статистика бўлишдан нарига ўтишолмапти. Статист мавжуд ҳолатни қоғозда қайд этади, холос. Ахир сиз мутасадди бўлган соҳадаги одамларнинг дардини ўз дардингиз деб қабул қилишингиз керак. Ушунда сезиларли ижобий илтиҳидан умид қилса бўлади.

Ҳозир Ўзбекистон иқтисодиётида энг муҳим вазифа нима? Мухимлари жуда кўп, энг устувори — иш ўрни яратишдир. Афсуски, бу борада илгари анча йиллар норевал рақам кўрсатиб келинди. Гўё ҳар йили 1 миллионга яқин иш ўринлари яратилган эмиш. 2017 йилда янги-дан яратилган иш ўрни 336 мингта-ни ташкил этди. Ишқилиб, бу рақам ҳақиқий аҳолини ифода этсин-да. Мамлакатда барқарорлик ҳукм су-риши учун иш ўринларини етарли даражада яратиш талаб этилади. Фаол тадбиркорлик, инновацион гоғлар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш вазифаси ҳам, энг аввало, бандликни таъминлашга қаратилган. Тадбиркор нафақат ўзини ва оиласини, балки бутун жамиятни боқайди.

Ватанимизда ҳамма соҳада ишлар юришиб кетиши учун ҳар бир фуқаро ўзини шу улғувор ишларга дахлдор деб билиши зарур. Шу га-ни айтганда суҳбатдошлардан бири: “Мана, биз ҳамми?” деб савол таш-лади. Ҳа, сиз ҳам, мана булар ҳам — ҳамма ислохотларда иштирок эти-

ши керак. Қани энди, иложи бўлсаю бир-икки харакат билан ҳамманинг кўнглига Ватан туйғусини жойлаш мумкин бўлса.

## РАҚАМЛАР ШАРҲИ

**2017 йил мобайнида sanoat корхоналари томонидан 144,2 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, ўсиш суръати аввалги йилдагига нисбатан 107 фоизни ташкил этади.**

Президентимиз “Жилонни қўлга олайлик” дедилар. Бу гапнинг замирида катта маъно мужассам. Ишимизда тартиб-интизом бўлса, кўпчилик бир ёқадан бош чиқариб, умумий мақсад сари ҳамжихатлиқда интилса, мавжуд аҳволдан қоникмас-дан ишласак, кўп ишлар ҳал бўлиб кетади.

Агар эътибор бераётган бўлсангиз, кейинги бир йил ичида Президент имзолаган Фармон ва қарорларда аҳолини яхшилашнинг ечим ва йўллари ёрқин кўрсатилмоқда. Бундай ҳужжатларда “янада тақомиллаштириш” деган вазифа ўрнига эндиликда “тўдан тақомиллаштириш” шаклида кўрсатма берилмоқда. Албатта, Президент имзолаган ҳужжатлар шиддатли ислохотларимизга “йўл харитаси” вазифасини бажаради. Лекин, давлатимиз раҳбарининг ўзлари таъкидлаганидек, ҳамма ўша ҳужжатлар рўёбга чиқishi учун ёлпасига киришмаса, қоғозлигига қолиши мумкин.

## РАҚАМЛАР ШАРҲИ

**2017 йилда қишлоқ, ўрмон ва балиқ ҳўжалиқларида 61 триллион 504,2 миллиард сўмлик маҳсулот етиштирилди, бу аввалги йилдагига нисбатан 102 фоизни ташкил этади.**

Интернетда “Менинг фикрим” веб-портали очилади. Нафақат кўпчилик-

нинг саъй-ҳаракати, балки қимматли фикри ҳам муҳимдир. “Оз-оз ўрганиб дарё бўлур”, деган нақл кўп асрий тажриба натижасида туйилган. Эҳтимом, оддий бир одамнинг ҳаёлида ҳеч кимнинг кўнглига келмаган фикр тўғилиши мумкин. Инновацион гоғ дегани “қимматли фикр” маъносини беради.

Баъзан айрим ҳудудларда рўй берган салбий иллатлардан хабар топиб, наҳотки бу ерда раҳбарлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора вакиллари бўлмаган бўлса, деб ажаблانسиз. Тағини сурштирсангиз, ҳаммалари бу воқеалардан хабари бўлмаганларини айтишди. Агар ўша мутасаддилар “Ахир Ватан ҳаммамизники-ку, бу аҳволда эртага нима бўлади?” деган ҳушёр фикрда бўлишса, иллатнинг олди олинарди.

## РАҚАМЛАР ШАРҲИ

**2017 йилда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти ва социал соҳасига молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан 60 триллион 719,2 миллиард сўмлик инвестиция ўзлаштирилди. Бу 2016 йилдагига нисбатан 102,2 фоизни ташкил этади.**

Бугунги давр эса шиддатли ислохотларимизга янги вазифа қўймоқда. Одамлар ислохотлар натижасини эртага эмас, бугун кўришини. Тўғри, бунинг учун сабр-тоқат, ҳафсала, ўзини қийнаш талаб этилади. Лекин 2018 йилда қийинчиликларни мардонавор енгасак, сув келса симириб, тош келса кемириб фаолият юритсак, келгуси йил бо-шида муҳим донларидан ошган каби туйғунни бошдан кечирдишимиз мукар-рар. Ушунда шу азиз Ватан учун фидойилик қилган инсонларнинг юзи ёруғ бўлиши турган гап.

**Шухрат ЖАБОРОВ.**

# Зулфияхоним — доимо эъзода

Баҳорнинг илк кунини — Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия таваллуд топган айёмда ардоқли шоира хайкали ўрнатилган Адиблар хиббони байрамона кўрка бурканди. Бу ерга давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, шоир ҳамда ёзувчилар, маънавият тарғиботчилари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари, шоиранинг мухлислари, жамоатчилик вакиллари йиғилди.

## ЭХТИРОМ



Ўрнатилди. Шунингдек, Хиёзгада Хамид Олимжон ва Зулфия хиббони ташкил қилиниб, уларнинг хайкаллари қад ростлади. Бу ишлар Зулфияхонимнинг миллий адаббитимизга қўшган ҳиссаси, бетакор ижодий мероси ва ибратли фаолиятининг яна бир амалий эътирофи бўлди.

Юртимизда 1999 йили Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилган. Китоблари нашр қилиниб, деярли ҳар бир ўзбек хонадонига кириб борган.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Маданият вазири, Ёзувчилар уюшмаси, Ёшлар иттифоқи ҳамкорлигида ўтказилган тадбир "Зулфияхоним — доимо эъзода" деб номланди.

Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Д. Нажмуддинова, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси М. Аҳмедов, шоиранинг келини Р. Олимжонова ва бошқалар бугун барча соҳа қатори илм-фан, маданият, адабиёт ва санъат соҳасини ривожлантиришга қатъий эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Ватанимиз, халқимиз тарихида ўчмас из қолдирган атоқли адиблар, фан ва маданият намояндаларининг эл-юртимиз олдидидаги улкан хизматлари муносиб баҳолалиб, уларнинг хотирасини абадийлаштириш, меросини асраб-авайлаш ва ўрганиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 18 апрелда "Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи ҳудудида Адиблар хиббонини барпо этиш тўғрисида"ги қарори қабул қилиниб, бу ерда халқимиз сўйган ардоқли ижодкорлар қатори Зулфияхонимнинг хайкали

мансуб сатрлар соҳа тоғлари каби жанрдор, — дейди Ўзбекистон давлат консерваторияси кафедра мудири, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси Ойдин Абдуллаева. — Ижодкор уларни меҳрга буркаган, кўнгил кечинmalarини ҳар бир юракка етиб борадиган тарзда ифода этган. Шу боис унинг шеърлари барчамизга ёд бўлиб кетган, куй-қўшиқларга айланган. Шоиранинг ҳаёт ва ижод йўли биз, авлодлар учун ибрат мактабидир.



Х. ПАЙДОЕВ, Д. ЧИРКОВА олган суратлар.

Анжуманда Зулфия ижодидан намуналар ҳамда ёш шоирларнинг шеърлари янгради. Она Ватанини, баҳорни тараннум этувчи қўшиқлар ижро қилинди. Ёш мусаввирлар ишларидан иборат кўргазма ташкил этилди.

Шоира хайкали пойига гуллар қўйилди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Т. Норбоева сўзга чиқди.

Д. ЙЎЛДОШЕВ.

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Президентимиз томонидан давлат мактаб-гача таълим муассасалари ходимларининг айрим тоифалари меҳнатига ҳақ тўлашни тақомиллаштириш юзасидан имзоланган қарор тизим фаолиятининг янги раҳил билан ривожланишига туртки бўлиши, соҳа меҳнатқашларида кўтаринки кайфият уйғотиши, шубҳасиз.

Зеро, ушбу қарорга мувофиқ, 2018 йил 1 мартдан бошлаб бочча мудири, тарбиячилар, методистлар, ўқитувчилар, дефектологлар, психологлар, музика раҳбарлари ва тарбиячининг ёрдамчилари меҳнатига ҳақ тўлаш 30 фоизга оширилди. Шу йил 1 сентябрдан бошлаб эса тайёргарлик (5 ёшдан 6-7 ёшгача) гуруҳи тарбиячилари, олий маълумотли ўқитувчилар, дефектологлар, психологлар меҳнатига ҳақ тўлаш умумтаълим мактаблари бошланғич синфлари ўқитувчиларининг базавий тариф ставкалари миқдорларига тенглаштирилган ҳолда 30 фоизга, олий ёки ўрта махсус, касб-ҳунар педагогик маълумотли тарбиячининг ўринбосарлари меҳнатига ҳақ тўлаш 20 фоизга, мактабгача таълим муассасалари мудирилар меҳнатига ҳақ тўлаш 10 фоизга оширилди. Бу соҳада фаолият олиб бораётган инсонларни Ватанимиз равақини таъминлашга қодир куч ва салоҳиятга эга авлодни қамолга етказишда янада масъулиятли бўлишга ўндайди.

# Тарбиячилар ҳам, ота-оналар ҳам хурсанд

Лутфия ОСТОНОВА, Олот туманидаги 1-мактабгача таълим муассасаси мудираси:

— Шу кунларда маҳалламизда дув-дув гап. Кимдир "Тарбиячиларнинг ойлик маоши оширди" деса, яна кимдир "Бочча пули" тенг ярмига қайтарилди" дейди. Қулоққа хуш ёқадиган гаплар бежиз айтилмапти. Давлатимиз раҳбарининг қароридан айни шу масалалар ўз ифодасини топди.

Жамоамиз ҳам, ота-оналар ҳам жуда хурсанд. Хуш, нега? Гап шундаки, бола тарбияси билан шуғулланиш осон иш эмас. Меҳнатнинг қадрига, кучинга куч, ғайратинга ғайрат қўшилади. Қолаверса, халқимиз "Касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади" деб топиб айтган. Айрим оилалар учун бир-икки нафар фарзандини мактабгача таълим муассасасига юбориш оғирлик қиларди. Бундай хонадонлар "бошча пули"нинг қисқартирилишини юрак-юракдан истагани бор гап. Президентимизнинг қароридан масаланинг шу жиҳати ҳисобга олингани айни мудоа бўлди.

Мамлакатимиздаги бир қатор туманлар қатори Олотда ҳам бочча учун амалдаги тўлов миқдори икки бараварга пасайтирилди. Биргина бизнинг муассасамизда 150 нафар жажжи ўғил-қиз тарбия олаётгани назарда тутилса, бу ота-оналар учун жуда катта ёрдам экани ойдинлашади.

Балхитиш ТЕМИРОВА, Сарийосиё туманидаги 4-мактабгача таълим муассасаси мудираси:

— Мен мураббий қилаётган мактабгача таълим муассасасида 35 нафар тарбиячи, ёрдамчи тарбиячи ва техник ходимлар ишлайди. Президентимиз қарорини ўқиб, жамоамизда ишлаётганлар меҳнатимиз қадр топаётганидан бағоят хурсанд бўлдим.

Муассасамиз туман марказида жойлашган. Ҳозирги кунда боччада 150 нафар кичкинтой тарбияланмоқда. Ушбу тизимда 30 — 35 йилдан бундан кўра кўра тарбиячиларимиз бор. Масалан, "Халқ таълими аълочили" Гулжон Абдураҳмонова 34, рус

гуруҳи тарбиячиси Марина Холмуродова 31 йилдан бундан кўра кўра тарбиялаб келмоқда. Қарорда қайд этилганидек, уларнинг иш ҳақи 30 фоизга оширилди. Давлатимиз раҳбарининг мактабгача таълим тизими ходимларининг машаққатли меҳнатига бундай эътибордан уларнинг боши кўкка етди, десам бўлади.

Сифат ва самардорликка эришиш учун тарбиячи кадрлар савияси ҳамда билимини юксалтиришни ният қилдик. Айни пайтда ўрта махсус маълумотга эга бўлган кадрларни олий таълим муассасаларида ўқитиш тадбирларини кўраётимиз. Қисқача айтганда, таълим-тарбиянинг илк бўғини — мактабгача таълим муассасаларини янада ривожлантиришга қаратилган ушбу қарор соҳа ходимларини рағбатлантириб қолмасдан, келажак эгалари тарбиясига бўлган масъулиятини янада оширади.

"Халқ сўзи" мухбири Дилшод ҚАРИМОВ ёзиб олди.



Маълумотларга кўра, дунё бўйича ҳар йили 1 миллиард 300 миллион нафардан ортиқ кишилар саёҳатга чиқар экан. Туризмнинг асосий қисми Франция, АҚШ, Испания, Туркия, Япония, Хитой каби давлатларга бормоқда. Сайёҳлар оқимининг кўпайиши ўз-ўзидан мамлакат бюджетига катта фойда келтиради. Масалан, Япония ҳукумати туризм йўналишидан бир йилда 343 миллиард, Туркия эса 88 миллиард АҚШ доллари миқдоридан даромад топади. Ўзбекистон-чи?

## Туризм:

# ЎЗБЕКИСТОНГА ХУШ КЕЛИБСИЗ!

Ўтган йили юртимизга қарий 2 миллион 700 минг сайёҳ ташриф буюрган. Бу кўрсаткич мамлакатимизнинг туристик салоҳияти юқори бўлишига қарамай, ҳали туризм имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаётганини, соҳада ечимини қутаётган муаммо ва камчиликлар мавжудлигини кўрсатади.

Халқаро пресс-клубнинг "Ўзбекистонга хуш келибсиз: туризм — мамлакатнинг янги бренди" мавзусидаги наватдаги сессиясида соҳада эришилаётган ютуқлар, мавжуд муаммолар, уларни бартараф этиш масалалари муҳокама қилинди. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси, дипломатик корпус вакиллари, етакчи туроператор ҳамда тегишли вазирият ва идоралар ходимлари, экспертлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Ўзбекистон ўзининг тарихий шаҳарлари, обиди ва зиёратгоҳлари, қолаверса, табиий иклими, мазабли мевасабзавотлария тасмолари билан алоҳида ажралиб туради. Албатта, туристларни жалб қилишда

буларнинг ўзи етарли эмас. Чет эллик меҳмонларни аэропорт ёки темир йўл бекатларида кутиб олиш ҳамда тортиб, то кузатиб қўйишгача

Тўғри, кейинги пайтда юртимизга саёҳатга келиш истагини билдираётган туристлар сони ошиб бораётган. Табиийки, бунда

- ✓ Сайёҳлар қандай қулайликлар бўлишини хоҳлайди?
- ✓ Аэропортлар олдида такси хизмати кўрсатиш қачон тартибга солинади?
- ✓ Йирик шаҳарларда камида 100 тадан меҳмонхона қурилиши кўзда тутилган.

бўлган даврда уларга зарур қулайликлар яратиш, аввало, раво йўллари барпо этиш, шинама меҳмонхона ва замонавий транспорт хизматларини йўлга қўйишни талаб қилади.

Сайёҳлар учун зарур ҳисобланган мана шу талаблар тегишли мутасадди идора ҳамда ташкилотлар томонидан қай даражада таъминланаётгани? Умуман, бу борада қандай амалий ишлар олиб боришмоқда? Муаммолар нимада?

Президентимизнинг соҳани тубдан яхшилаш, илғор лойиҳа ва усуллари ҳаётга татбиқ этиш мақсадида қабул қилаётган Фармон ва қарорлари муҳим роль ўйнамоқда. Хусусан, жорий йилнинг февраль ойида соҳага оид тўртта муҳим ҳужжат имзоланди.

— Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва унинг минтақавий тузилмалари штат бирликларини оширилди, худудларда туризм департаментлари ҳамда бошқарма-

лари, ҳоким ўринбосарлари лавозимлари ташкил этилгани мазкур ташкилотларнинг имкониятларини янада кенгайтирди, — дейди Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Азиз Абдуҳақимов. — Сайёҳлар оқимини кўпайтириш бўйича 39 мамлакат фуқароларига виза бериш тартиби соддалаштирилди. Қолаверса, жорий йилнинг 10 февралдан бошлаб Япония, Жанубий Корея, Сингапур,

рағоҳлар ташкил этиш, уларга лицензияга эга бўлган таксистлар жалб қилиш сайёҳ-харакатлари бошланди.

Яна бир мисол. Тошкентдан Урганчгача бўлган масофа 1000 километрдан ортиқ. Ушбу йўлни босиб ўтган ҳар қандай сайёҳ толиқиши тайин. Сессияда маълум қилинишича, бу муаммо ҳам яқин кунларда ўз ечимини топади. Яъни туристларга қулайлик яратиш бўйича йўл бўйларидида махсус тўхташ жойлари яратилиб, улар атрофида замонавий савдо ҳамда овқатланиш шохобчалари, санитария талабларига жавоб берадиган ҳоҳнатхоналар ҳам қурилади.

Анжуманда бир шаҳардан иккинчи шаҳарга боришда йўл четидида туристик объектларга олиб борувчи махсус йўл белгилари мавжуд эмаслиги ҳам танқид қилинди.

— Ўтган йили Хоразм вилоятида туристик объектларга олиб борувчи белгиларни ўрнатган эдик, — дейди Автомобиль йўллари давлат қўмитаси бошқарма бошлиғи ўринбосари Фозил Ражабов. — Албатта, бу билан тўхтаб қолмоқчи эмасмиз. Жорий йилда ҳам ушбу ишларни давом эттириб, республикамиз бўйича яна 64 мингдан ортиқ ана шундай махсус йўл белгиларини ташкил қилмоқчимиз.

Сессияда, шунингдек, сайёҳлар учун туристик маршрутларни ташкил этиш, авиачипталар нархини оптималлаштириш, янги рейслар очиш, транзит йўловчиларни ташкил имкониятини ошириш ва авиақатновлар географиясини кенгайтириш, йўллари таъмирлаш, янги технологияларни, хусусан, мобил иловалар, махсус сим карталарни татбиқ этиш, ички ва зиярат туризмни ривожлантириш, "ҳалол туризм"ни яратиш борасидаги режалар, келгусида амалга ошириладиган ишлар ҳақида батафсил маълумотлар берилди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

## «Ўзмелиомашлизинг» давлат унитар корхонаси

бир дона гидроконусли майдалагич (дробилка) ва бир дона тош саралаш ускунаси хариди учун танлов эълон қилади.

Танловда хорижий компаниялар ҳамда маҳаллий етказиб берувчилар иштирок этиши мумкин. Танлов муддати — 2018 йил 15 март соат 16.00. Таклифлар муҳрланган конвертларда қабул қилинади. Белгиланган муддатдан кейин тақдим этилган таклифлар қабул қилинмайди.

Барча савол ва техник кўрсаткичлар ҳақидаги маълумотларни (+99871) 150-36-04, 150-36-05 телефон рақамлари орқали ҳамда www.uzmml.uz сайтидан олиш мумкин. Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Зиёлилар кўчаси, 1-уй. Электрон манзил: info@uzmml.uz

## «REPUBLIKA MULK MARKAZI» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига O'zbekiston Respublikasi Jismoniy tarbiya va sport davlat qo'mitasi Yakkama-yakka kurash bo'yicha Respublika oliy sport mahorati maktabiga qarashi, Toshkent shahri, Chilonzor tumani, Olmazor mavzesi, 15/1-uyda saqlanayotgan, 2007 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/799 АСА бўлган, «Damas DLX-150» русумли автотранспорт воситаси кўйилмоқда.

### Бошланғич баҳоси — 17 232 000 сўм.

Аукцион савдоси 2018 йил 2 апрель кунини соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати — 2018 йил 30 март кунини соат 18.00.

Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Корақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (0-371) 228-79-52.

Аукцион савдоси қолибига 10 кун мобайнида сотувчи билан олди-сотди шартномасини имзолаш мажбурияти юклатилади. Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза, зақалат пули тўланганини ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган зақалат келишувига асосан, автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пулини «Respublika mulk markazi» МЧЖнинг «Давр банк» ХАТБ Олмазор филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 22604000200571452001, МФО: 01121, СТИР: 200933850.

Гувоҳнома № 001805.

## WorldFood

Ўзбекистондаги ЙИРИК ОЗИҚ-ОВҚАТ КЎРГАЗМАСИГА хуш келибсиз!

18-халқаро кўргазма

2018 йил 4—6 апрель

Тошкент ш., «Ўзэкспомарказ» МКК, 1, 2-павильонлар.

Тўлиқ www.worldfood.uz сайтида



Дастлабки икки кун фақат соҳа мутахассислари таклиф этилади!

ONLINE РҲҲАТДАН ҲТИНГ

Республика Шопингнинг тиббий ёрдам илмий маркази жамоаси марказининг Навоий филиали директори Орифжон Инамовга отаси **Ёкубжон ИНАМОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ»ГА ЭЪЛОНЛАР КАБУЛ ҚИЛИНАДИ. 9.00 дан 18.00 гача **232-11-15, 232-10-63.** E-mail: reklama@xs.uz

## Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**  
2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 345. 139 973 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.  
ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона (0-371) 233-52-55; Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

Таҳриратта келган қўғамлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштириш ташкилот жавобдор.  
Газета таҳрират компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғоев томонидан саҳифаланди.  
Газетанинг полиграфик жаҳзатда сифатли чоп этилишига «Шарқ» наприйт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:** 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров. Навбатчи — Д. Удумуродов. Мусахҳах — С. Исломов.  
«Шарқ» наприйт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ҲаА якуни — 21.55. Тошпирилди — 01.10 2 3 4 5 6